

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.04.2021.Fil.20.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АЙЫМБЕТОВА ЗАМИРА МАКСЕТБАЙ ҚЫЗЫ

**И.ЮСУПОВ ШЕЪРИЯТИДА ФОЛЬКЛОРИЗМ: ЭВОЛЮЦИЯ,
ЎЗЛАШТИРИШ ТИПЛАРИ**

10.00.12 – Қорақалпоқ адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on philological sciences**

Айимбетова Замира Максетбай кизи

И.Юсупов шеърятда фольклоризм: эволюция, ўзлаштириш типлари 3

Айымбетова Замира Максетбай кызы

Фольклоризм в поэзии И.Юсупова: эволюция, типы взаимодействия 23

Ayimbetova Zamira Maksetbay kizi

Folklorism in the poetry of I.Yusupov: evolution, types of assimilation 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 47

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.04.2021.Fil.20.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АЙЫМБЕТОВА ЗАМИРА МАКСЕТБАЙ ҚЫЗЫ

**И.ЮСУПОВ ШЕЪРИЯТИДА ФОЛЬКЛОРИЗМ: ЭВОЛЮЦИЯ,
ЎЗЛАШТИРИШ ТИПЛАРИ**

10.00.12 – Қорақалпоқ адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/Fil1914 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.karsu.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Нуржанов Пердебай Ержанович
филология фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Керуенов Турганбай Аразмедович
филология фанлари доктори, доцент

Сайимбетов Шарафатдин Уракбаевич
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Фанлар
академияси Ўзбек тили, адабиёти ва
фольклори институти

Диссертация ҳимояси Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети ҳузуридаги DSc.03/30.04.2021.Fil.20.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «12» Январь кунги соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, 1-уй, Тел: (99861) 223-59-25, факс: (99861) 223-59-25, e-mail: karsu_info@edu.uz).

Диссертация билан Қорақалпоқ давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (118 - рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, 1-уй, Тел: (99861) 223-59-25).

Диссертация автореферати 2022 йил «27» декабрь кунини тарқатилди.
(2022 йил «27» декабрь даги 14 - рақамли реестр баённомаси).



Қ.К. Оразымбетов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, филол.ф.д., профессор

Д.Б. Сейткасымов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, филология фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD), доцент

Қ.Қ. Жаримбетов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги тезкор глобаллашув жараёнларида бутун дунёда яшаётган инсониятнинг идеологик имунитетни асраб қолишга ҳар хил хавф хатар туғилиб турган бир пайтда ҳар бир халқнинг умуммаданий меросларини, кадрятларини сақлаб қолишда фольклор катта аҳамият касб этмоқда. Халқларнинг ўзига хос менталитети, урф-одатлари, миллийлиги йўқолиб кетишининг олдини олиш мақсадида жаҳоннинг буюк адиблари ўз асарларида фольклорга, аниқроғи «фольклоризмларга» мурожаат қилишни тобора кучайтирмоқда ҳамда бу жараёнга ҳар бир ижодкор ўз ижод услубидан келиб чиққан ҳолда ёндашмоқда. Сўз усталари бадиий асарнинг проблематикасидан, айниқса ғоясидан келиб чиққан ҳолда, фольклоризмларни яъни, фольклор образларини, мотив ва жанрларини қайта ишламоқда ва уларнинг поэтик функциясини бойитмоқда. Шоир ва ёзувчилар ижодида фольклоризмларнинг юзага келиши, уларнинг бадиий функцияси ва эволюцияси халқ оғзаки ижоди билан ёзма адабиёт ўртасидаги уйғунликни таъминлашда долзарб аҳамиятга эга.

Жаҳон адабиётшунослигида фольклорнинг бадиий адабиёт контекстида миллий колоритни ифодалашдаги ўрни, ижодкорлар ўз асарларида фольклордан фойдаланиш, фольклор анъаналари ва фольклоризм масалалари, фольклоризмларнинг типологияси ва эволюцияси ҳамда фольклор сюжетлари, образлари, жанрлари ва мотивларининг ёзма адабиётдаги стилизацияси бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бунда миллий адабиётдаги ёзувчи ва шоирлар ижодидаги фольклоризмларнинг ўзлаштириш типларини аниқлаш, уларнинг таснифини ишлаб чиқиш ҳамда фольклор сюжетлари, образлари, жанрлари ва мотивлари каби фольклоризмларнинг ёзма адабиётдаги стилизацияси ва эволюциясини алоҳида тадқиқ қилиш, шунингдек, мифологик ва фольклор мотивларининг рўйхатини ва таснифларини ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқотлар долзарб аҳамият касб этади.

Мустақиллик туфайли барча соҳалар сингари адабиётшунослик ҳам ривожланиб, фольклорнинг ёзма адабиётга таъсирини турлича йуналишларда талқин қилиш кенг тус олмоқда. Қорақалпоқ ва бошқа туркий халқлар адабиётининг шаклланиш ва ривожланиш тенденцияларини ўрганишда адабий анъаналар ва фольклор мерослари миллий бадиий манбалар сифатида катта аҳамият касб этмоқда. «Инсоният яратган бебаҳо маданият дурдоналари энг аввало ҳар қайси миллатнинг фольклор санъатида мужассам топгани ҳаммамизга яхши маълум»¹. «Бу бебаҳо бойлик янги ва янги авлодлар учун донишмандлик ва билим манбаи, энг муҳими, янги

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг халқаро бахшичилик санъати фестивали очилишига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // Халқ сўзи. – Тошкент, 2019. 7 апрель. – № 68.

кашфиётлар учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз»² бўлгани боис атоқли адиблар ижодидаги фольклоризмларни ўрганиш адабиётшунос олимлар учун муҳим вазифага айланди. Шундай экан, ёзма адабий асарларда фольклоризмларнинг стилизациясини илмий ўрганиш, фольклор таъсирида асарлар яратган муайян ижодкорларнинг бадиий маҳоратини баҳолаш, уларнинг ижодидаги фольклоризмларнинг типологиясини аниқлаш ва эволюциясини тадқиқ этиш бугунги адабиётшунослик фани олдидаги долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон «Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 декабрдаги 781-сон «2020 – 2025 йилларда китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш миллий дастурини тасдиқлаш тўғрисида», 2022 йил 28 апрелдаги 223-сон «Атоқли олимлар, маданият ва санъат соҳаси вакилларининг юбилей саналарини кенг нишонлаш ҳамда улар фаолиятини тарғиб этиш дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда ушбу фаолиятга оид бошқа меъриий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, моддий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ёзма адабиёт ва фольклорнинг ўзаро муносабати, фольклоризмлар типологияси ва эволюциясига оид илмий-тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари олимлари томонидан, хусусан А.А.Горелов, У.Б.Далгат, А.И.Лазарев, Г.Г.Гамзатов, Л.И.Эмелянов, П.С.Выходцев, Б.С.Жукас, Г.С.Бардугина, О.В.Васильева, Е.В.Васина, М.Хасенов, Н.В.Батурина, Ф.Т.Узденова, Л.С.Гергокова ва бошқалар томонидан олиб борилган³.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги Ислом маданияти марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 23 июндаги ПҚ-3080-сон Қарори.

³ Горелов А.А. К истолкованию понятия «фольклоризм литературы» //Русский фольклор. – Л., 1979. – Т.12. – 31-48 с.; Далгат У.Б. Литература и фольклор. – М.: Наука, 1981.; Лазарев А.И. Проблема изучения фольклоризма русской литературы. 1870-1890. – Северо-двинск. 1985.; Гамзатов Г.Г. Фольклор: мера историзма. – Махачкала: Наука ДНЦ, 2010.; Эмелянов Л.И. Методологические вопросы фольклористики. – Л., 1978.; Выходцев П.С. и др. История русской советской литературы. – М., 1986.; Жукас С. О соотношении фольклора и литературы // Фольклор. Поэтика и традиция. – М., 1982.; Вардугина Г. С. Фольклоризм как элемент поэтики А. И. Куприна: Вопр. типологии и эволюции: автореферат диссертации на соискание

Қорақалпоқ шеърлятида фольклоризмлар, уларнинг кўлланиш эволюцияси ва ўзлаштирилиш типлари махсус тадқиқот объекти сифатида монографик тарзда ўрганилмаган. Лекин М.Нурмухамедов, Қ.Айымбетов, Қ.Мақсетов, С.Бахадырова, Қ.Жаримбетов, Қ.Оразымбетов, З.Бекбергенова, Г.Бегмуратова ва бошқаларнинг тадқиқотларида фольклор ва адабиётнинг ўзаро муносабатлари, уларнинг табиати ва ривожланиши, бунда анъана ва янгиланиш, индивидуаллик, фольклорнинг бадий адабиётга таъсири масалалари бўйича салмоқли ишлар эълон қилинди⁴.

Юқорида номлари қайд этилган адабиётшунос олимларнинг тадқиқотларидаги илмий-назарий хулосаларга таянган ҳолда қорақалпоқ шеърлятининг энг йирик вакили И.Юсупов ижодида фольклоризмларнинг тутган ўрнини, шоир асарларига халқ оғзаки ижодининг таъсирини фольклор ва адабиётнинг ўзаро муносабати контекстида аниқлаш, адабиётдаги фольклоризмларнинг таъсири асосида юз берган жанр, услубий ривожланиш белгилари, стилизация ҳодисалари, поэтик синтаксис, мазмун ва шакл, образ ва мотив, бадий кўчма маънода қўлланилган сўзлардаги янгиланишларни очиқ бериш адабиётшунослик фани олдида ўрганилиши лозим бўлган долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг тадқиқот бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот мавзуси Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети Қорақалпоқ адабиёти кафедрасида олиб борилаётган «Қорақалпоқ адабиётини ўрганиш ва адабиётшуносликнинг долзарб масалалари», «Ҳозирги қорақалпоқ адабиётининг долзарб масалалари» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади И.Юсупов шеърлятида фольклоризмлар, уларнинг эволюцияси ва ўзлаштирилиш типларини очиқ беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бадий адабиётдаги фольклоризмлар масаласининг назарий асосларини тадқиқ қилиш;

учёной степени кандидата филологических наук. – Челябинск. 1996.; Васильева О. В. Мотивный комплекс раннего творчества Н.С. Лескова: автореферат диссертации на соискание учёной степени кандидата филологических наук. – Киров. 2009.; Васина Е. В. Интерпретации фольклорных сюжетов в позднем творчестве В.М. Васнецова: «Поэма семи сказок»: автореферат диссертации на соискание учёной степени кандидата филологических наук. – Москва. 2021.; Хасенов М. Сабийт Муханов және фольклор. – Алматы. Гылым, 1980.; Батурина Н. В. Литературно-фольклорные взаимосвязи в русской словесности XVII века // Филологические науки. Вопросы теории и практики. Тамбов: Грамота, 2015. № 6 (48): в 2-х ч. Ч. 1.; Узденова Ф.Т. Жанр поэмы в литературах тюркских народов Северного Кавказа: автореф. дисс. ... к. филол. н. – Налчик. 1999.; Гергокова Л. С. Язык карачаево-балкарского героического эпоса «Нарты». – Налчик. Изд. отдел КБИГИ, 2015. 140 с.

⁴ Нурмухамедов М.К. К вопросу синтеза устной и письменной традиции в тюркоязычной поэзии. – Т.: Фан, 1980.; Айымбетов К. Халық даналығы. – Нөкис. Қарақалпақстан, 1988.; Мақсетов Қ. Фольклор хэм әдебият. – Нөкис. Қарақалпақстан, 1975.; Бахадырова С. Фольклор и каракалпакская советская проза. – Нукус. Каракалпақстан, 1984.; Жаримбетов Қ. XIX әсир каракалпақ лирикасының жанрлық кәсийетлери хэм раўажланыў тарийхы. – Нөкис. Билим, 2004.; Оразымбетов Қ. Ҳәзирги каракалпақ лирикасында көркем формалардың эволюциясы хэм типологиясы. Монография. – Нөкис. Билим, 2004.; Бекбергенова З. Народно-поэтические традиции в современной каракалпакской поэзии (70-80 годы). Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата филологических наук. – Нукус – 1995.; Бегмуратова Г.А. Мустақиллик даври қорақалпоқ романларида фольклоризмлар: Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Нукус. 2019.

И.Юсупов шеърияда фольклоризмларнинг генезисини, уларнинг типларини аниқлаш;

И.Юсупов ижодидаги фольклоризмларнинг эволюциясини ўрганиш, шоир шеъриядаги фольклоризмларнинг типларини тасниф қилиш;

И.Юсупов поэмаларида фольклоризмларнинг ўзлаштирилишини таҳлил қилиш ва услубий ўрнини ўрганиш;

мифологик ва фольклор мотивларининг шоир шеъриядаги ролини очиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида И.Юсуповнинг поэтик тўпламлари танланди.

Тадқиқотнинг предметини И.Юсупов шеъриядаги фольклоризмлар, уларнинг эволюцияси ва ўзлаштирилиш типларининг ўрганилиши ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Муаммони ўрганишда қиёсий-типологик, структур таҳлил ва бадиий-эстетик усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилigi куйидагилардан иборат:

И.Юсупов ижодининг фольклор анъаналарига ижодий ва янгича муносабати, фольклор поэтикаси билан услубий алоқаси, нақл-мақоллар, фразеологизмлар ва халқ поэтик лексикаси содда фольклоризмни ҳосил қилганлиги, ривоят, афсона, достон ва айтимларнинг элементлари эпизодли аналитик фольклоризмни, фольклор материалларини асарнинг сюжетида бадиий сингдириш синтезлашган фольклоризмни, халқ тарихини, этнографиясини, санъатини тасвирлаш асосида фольклор мотив, образ ва жанрлари орқали стилизациялашган фольклоризмларни юзага келтиргани аниқланган;

И.Юсуповнинг фольклордаги йўқлов, эртак, кулдирги сўзлар ва айтиш жанрлари асосида яратган ёзма адабиётдаги марсия, айтиш, анекдот ва адабий эртак сингари жанрлар билан қорақалпоқ ёзма адабиётининг жанрлар тизимини бойитгани исботланган;

шоир поэмаларидаги фольклоризмлар қаҳрамонлар характерини яратишнинг ўзига хослигини таъминлаш, асар тилининг эмоционал-экспрессивлигини орттириш, тасвирланган воқеаликнинг этномаданий контекстини яратиш ва даврнинг ижтимоий-сиёсий мазмунини ёритишдаги муҳим бадиий-эстетик фактор эканлиги қиёсий-типологик ва бадиий-эстетик таҳлиллар орқали асосланган;

шоир шеърияда хусусий ижод наъмуналарининг фольклорга айланиш ҳодисаси мавжуд эканлиги асар ғоясига миллий рухни сингдириш, халқчилликни орттириш учун хизмат қилган «бул жер еле зор болады», «кеўил кеўилден суў ишер», «кеўил кеўилге қонақдур» ва бошқа афоризмлари асосида исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

И.Юсупов шеъриядаги фольклор элементларидан тузилган картотека асосида компьютер ва мобиль қурилмалар учун дастур яратилган;

И.Юсупов шеъриядаги фольклоризмларнинг келиб чиқиши, фольклоризмларнинг эволюциясини ўрганиш ҳамда шоир шеъриядаги

фольклоризмларни тасниф қилиш бўйича амалга оширилган тадқиқотлар натижасида «Она тили ва адабиёти» фанини чуқурлаштириб ўрганиладиган мактабларда синфдан ташқари машғулотлар (фан тўғараклари) учун дарс ишланмаси ишлаб чиқилган;

И.Юсупов фольклоризмларининг ўзига хослигини очиб бериш, мифологик ва фольклор мотивларининг шоир шеъриятидаги ролини аниқлашга қаратилган тадқиқотлар натижасида «Қорақалпоғистон» телеканалдаги И.Юсупов ҳаёти ва ижодига бағишланган «Айқулак» телекўрсатувининг «Азия» рубрикаси учун сценарий тайёрланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертацияда қўйилган муаммонинг адабиётшунослик фанининг замонавий тадқиқот усуллари ёрдамида ҳал этилганлиги, назарий маълумотларнинг илмий, бадиий манбалардан олинганлиги ҳамда И.Юсупов шеъриятидаги фольклоризмлар ва уларнинг фольклордаги асл намуналари ўзаро қиёсланиши орқали шоирнинг оғзаки адабиётга муносабатининг ўзига хослиги бўйича келтирилган илмий хулосаларнинг амалиётда кенг қўлланилаётганлиги, эришилган натижаларнинг тегишли муассасалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, И.Юсупов шеъриятида фольклоризмлар, уларнинг эволюцияси ва ўзлаштириш типларининг ўрганилиши орқали келинган илмий-назарий хулосалар дунёдаги турли халқлар, айниқса, туркий халқлар шоирлари шеъриятидаги фольклоризмларни ўрганиш бўйича кейинги тадқиқотлар учун асос вазифасини бажариши билан ифодаланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ишнинг тадқиқот натижалари олий, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасалари ҳамда умумтаълим мактаблари, академик лицейлар учун янги дарслик, ўқув қўлланма, ўқув-услубий адабиётларни яратишда, И.Юсупов шеърияти бўйича маърузалар, махсус курс, семинарлар ташкил этишда, шунингдек, «XX аср қорақалпоқ адабиёти тарихи», «Ҳозирги адабий жараён», «Мустақиллик даври қорақалпоқ адабиёти», «Ибройимшунослик» фанлари бўйича семинар ва маъруза материалларини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. И.Юсупов шеъриятидаги фольклоризмлар, уларнинг эволюцияси ва ўзлаштириш типлари бўйича олинган илмий ва амалий натижалар қуйидаги ташкилотларда жорий қилинди:

И.Юсупов ижодининг фольклор аънаналарига ижодий ва янгича муносабати, фольклор поэтикаси билан услубий алоқаси, нақл-мақоллар, фразеологизмлар ва халқ поэтик лексикаси содда фольклоризмни ҳосил қилганлиги, ривоят, афсона, достон ва айтимларнинг элементлари эпизодли аналитик фольклоризмни, фольклор материалларини асарнинг сюжетига бадиий сингдириш синтезлашган фольклоризмни, халқ тарихини, этнографиясини, санъатини тасвирлаш асосида фольклор мотив, образ ва

жанрлари орқали стилизациялашган фольклоризмларни юзага келтирганлиги ҳамда шоирнинг фольклордаги йўқлов, эртак, кулдирги сўзлар ва айтиш жанрлари асосида яратган ёзма адабиётдаги марсия, айтиш, анекдот ва адабий эртак сингари жанрлар билан қорақалпоқ ёзма адабиётининг жанрлар тизимини бойитганлиги бўйича илмий хулосаларидан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтида бажарилган ФА-Ф01-005 «Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ этиш» мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтининг 2022 йил 14 октябрдаги 397/1-сон маълумотномаси). Натижада, қорақалпоқ адабиётида фольклоризмларнинг эволюцияси ва типологияси бўйича илмий қарашлар янада чуқурлаштирилган.

И.Юсупов поэмаларидаги фольклоризмлар қаҳрамонлар характерини яратишнинг ўзига хослигини таъминлаш, асар тилининг эмоционал-экспрессивлигини орттириш, тасвирланган воқеаликнинг этномаданий контекстини яратиш ва даврнинг ижтимоий-сиёсий мазмунини ёритишдаги муҳим бадиий-эстетик фактор эканлиги қиёсий-типологик ва бадиий-эстетик таҳлиллар орқали асосланган ҳамда шоир шеъриятида хусусий ижод наъмуналарининг фольклорга айланиш ҳодисаси мавжуд эканлиги асар ғоясига миллий руҳни сингдириш, халқчилликни орттириш учун хизмат қилган «бул жер еле зор болады», «кеўил кеўилден суў ишер», «кеўил кеўилге қонақдур» ва бошқа афоризмлари асосида исботланган илмий хулосаларидан Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпаниясида И.Юсупов ҳаёти ва ижодига бағишланган «Айқулақ» телекўрсатуви, «Аязий» рубрикаси учун сценарийларни тайёрлашда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпаниясининг 2022 йил 31 октябрдаги 05-22/630-сон маълумотномаси). Натижада, телетомошабинларнинг шеъриятга, хусусан И.Юсупов шеъриятига қизиқиши орттиришда ва қарашларини бойитишда хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 халқаро ва 3 республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 илмий иш нашр этилган бўлиб, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган нашрларда 7 мақола, хусусан, 4 республика, 3 хорижий журналларда чоп этилган. Шунингдек, электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурий маҳсулотларни рўйхатга олиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Интеллектуал мулк Агентлигида 1 дона муаллифлик гувоҳномаси расмийлаштирилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатини ўз ичига олади, ҳажми 145 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «Кириш» қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган. Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йуналишларига мослиги кўрсатилган, ишнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланиб, назарий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ҳамда диссертациянинг тузилишига доир маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«И.Юсупов шеърисида фольклоризмлар ва уларнинг бадиий функцияси»** деб номланиб, ушбу бобнинг **«Адабиётдаги фольклоризмлар ва уларни тадқиқ қилишнинг назарий масалалари»** деб номланган биринчи параграфда бадиий адабиётда фольклоризмларнинг тадқиқи масалалари, назарий жиҳатлари ҳамда типологик таснифи ўрганилган. Бадиий асарда фольклоризмларнинг қўлланиши масаласида турли олимларнинг илмий-назарий қарашлари, мунозаралари келтирилиб, уларга диссертантнинг муносабати билдирилган. Рус адабиётшунослари У.Далгат, В.Кубилнос, Н.Джусойта, Г.Гамзатов, И.А.Баронина, П.С.Виходсев, Л.И.Емелянов⁵, қозоқ адабиётшунослиги фани вакили М.Хасенов⁶, ўзбек адабиётшунослари Б.Саримсоқов, Ғ.Мўминов, Л.Шарипова⁷, қорақалпоқ адабиётшунослари М.Нурмухамедов, К.Мамбетов, Қ.Мақсетов, С.Баҳадырова⁸ ва бошқаларнинг ишларидаги адабиёт ва фольклорнинг муносабати тадқиқидаги тенденциялар белгилаб берилган.

«Ёзувчиларнинг фольклор эстетикасига онгли муносабатини фольклоризм деб аташ анъанага айланган» – деб ёзади адабиётшунос олим У.Далгат. Шу билан бирга у «фольклоризм» XX асрдаги миллий адабиётларнинг, айниқса, олдин орқада қолган, поэтик тажрибалари ҳали кам

⁵ Далгат У. Б. Литература и фольклор. М.: Наука, 1981. 304 с.; Кубилнос В. Формирование национальной литературы – подражательность или художественная трансформация? / В. Кубилнос // Вопросы литературы. - 1976 - №8. - С. 21-56; Джусойты Н. Уходя от фольклора... / Н. Джусойты // Вопросы литературы. - 1977 - №1. - С. 106-125; Гамзатов Г. Г. Фольклор: мера историзма. Махачкала: Наука ДНС, 2010. 370 с.; Боронина И.А. Классический японский роман и фольклорная традиция. – Роль фольклора в развитии юго-восточной и восточной Азии. М. «Наука», 1988.; Выходцев П.С. и др. История русской советской литературы. – М., 1986.; Емелянов Л.И. Методологические вопросы фольклористики. – Л., 1978.

⁶ Хасенов М. Сабийт Муханов және фольклор. Алматы. «Гылым», 1980.

⁷ Саримсоқов Б. Фольклоризмлар типологияси масаласига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1980. – 4-сон. – Б.37-45.; Мўминов Ғ. Ҳозирги ўзбек адабиётида фольклоризм: филол. фанлари д-ри ... дис. автореф. – Тошкент, 1994.; Шарипова Л. XX асрнинг 70–80-йиллари ўзбек шеърисида фольклоризмлар: Филол.фан.номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2008.

⁸ Нурмухамедов М.К. К вопросу синтеза и письменных традиции в тюркоязычной поэзии. Ташкент. «Фан», 1980. Сказки Пушкина и фольклор народов Средней Азии. Ташкент. «Фан», 1983.; Мамбетов К. Фольклор ҳам жазба әдебият. Нөкис. «Қарақалпақстан», 1978.; Мақсетов Қ. Фольклор ҳам әдебият. Нөкис. «Қарақалпақстан», 1975.; Бахадирова С. Фольклор и каракалпакская советская проза. Нукус. «Қарақалпақстан», 1984.

ривожланган халқлар адабиётларининг юксак ривожланган, такомиллашган миллий адабиётлар даражасига қараб интилишининг бир кўрсаткичи» эканлигини ҳам тўғри таъкидлаган. Шунингдек, бу жараён У.Б.Далгатнинг кўрсатишича, ёзувчиларнинг яқка ижодий услуби билан бевосита боғлиқ ходиса⁹.

Ўз вақтида А.Лазарев фольклор материалларидан фойдаланишни типологик гуруҳларга ажратган: 1) адабий асарларда фольклорга «онгсиз» муносабатда бўлиш орқали фольклор элементларини қўллаш; 2) фольклорга «онгли» муносабатда бўлиш орқали фольклор элементларини қўллаш ва унинг материалларини модернизация қилиш¹⁰.

Диссертацияда И.Юсупов шеъриятида фольклоризмларнинг қўлланишини, уларнинг эволюцияси ва ўзлаштирилиш типларини тадқиқ этишда ўзбек олими Б.Саримсоқовнинг таснифи асос сифатида олинган. Унга кўра фольклоризмларнинг типологияси дастлаб содда фольклоризм ва мураккаб фольклоризм деб икки типга ажратилган, сўнгра мураккаб фольклоризм ўз ичида яна аналитик, синтезлашган ва стилизациялашган деб 3 турга ажратиб ўрганилган¹¹. Диссертацияда И.Юсупов шеъриятидаги фольклоризмларнинг шоир яқка ижодига хос таснифи ишлаб чиқилган. Унга кўра содда фольклоризмлар нақл-мақоллар, фольклор фразеологизмлари, халқ поэтик лексикаси ва фольклор оборотлари деб ажратилган. Мураккаб фольклоризмлар эса аналитик фольклоризмлар, синтезлашган фольклоризмлар ва стилизациялашган фольклоризмлар деб ажратилиб, ўз навбатида аналитик фольклоризмлар ҳам халқ қўшиқлари, олқишлар ва қарғишлар типларига ажратилган. Шунингдек, стилизациялашган фольклоризмлар жанр стилизацияси (афсона ва ривоятлар стилизацияси, эртак жанрининг стилизацияси, йўқлов жанрининг стилизацияси, айтиш жанрининг стилизацияси, латифа жанрининг стилизацияси), мотив стилизацияси (эпик мотивлар ва этнографик мотивлар) ва образ стилизациясини (эпик, рамзий ва мифологик образлар) ўз ичига олган.

«И.Юсупов лирикасида содда фольклоризмлар» деб номланган биринчи бобнинг иккинчи параграфида шоир ижодида қўлланилган содда фольклоризмлар таҳлилга тортилган. Шоир ижодида қўлланилган халқ нақл-мақоллари, фольклор фразеологизмлари, халқ поэтик лексикаси ишда содда фольклоризм сифатида ўрганилган.

Шоир шеъриятида энг кўп учрайдиган содда фольклоризм – нақл-мақоллар бўлиб, улар қўлланиш хусусиятига кўра: 1) соф (ўзгартирилмаган) содда фольклоризмлар. 2) қайта ишланган содда фольклоризмлар деб бўлинади.

1) соф содда фольклоризмнинг ўзи уч хил ҳолатда юзага келган: А) нақл-мақол фольклордаги ҳолича, ўзгартирилмасдан қўлланилади.

⁹ Далгат У. Б. Литература и фольклор. Москва: Наука, 1981. – С. 12-14.

¹⁰ Лазарев А.И. Проблема изучения фольклоризма русской литературы. 1870-1890.-Северо-Двинск, 1985. – С. 18.

¹¹ Саримсоқов Б. Фольклоризмлар типологияси масаласига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1980. – 4-сон. – Б.37-45.

Масалан: «Журт айтар: «*«Анасын көрип қызын ал»*, Ашық Аяз усы сөзге тән берер». Б) соф содда фольклоризмларнинг иккинчи турида эса тенг икки компонентли мақолларнинг бир компоненти тушириб ишлатилади. Масалан: «*«Аналы жетим – зор»* деген уғымды, Бизге нәрестелей нәсип етти ол». В) соф содда фольклоризмнинг учинчи турида иждокорнинг услуби ёки мақсадига кўра нақл-мақол таркибидаги бирор сўз ўзгартириб қўлланилади. Масалан: «*Бир душпан көплик етер, досларың мың болса аз, Сунқар қусқа жарасар жалғыз әйлемек пәрўаз»*.

2) содда фольклоризмларнинг шоир шеъриятида учрайдиган яна бир тури қайта ишланган содда фольклоризмлар. Бу типдаги фольклоризмга шоир иждодидан жуда кўп мисоллар келтириш мумкин. Халқ донишмандлигидаги «ийт үрер, кәрўан көшер» деган нақл-мақолни олиб кўрайлик, шеъриятда бутунлай бошқача шаклга айланиб қолган: «*Ийтлер үрген менен кәрўан иркилип, Биймезгил бир жерге қонып атқан жоқ»*.

Яна бир лирикасида бу мақолдан қуйидагича фойдаланилган: «*Ғарға «ғақ» дегеннен қыс түсе қоймас, Ат жүрисин бузбас ийт үрген менен»*. Кейинги мисолда келтирилган ҳар икки сатр ҳам алоҳида фольклоризм.

Умуман, шоир И.Юсупов шеъриятида халқ мақолларини содда фольклоризм сифатида фойдаланиш шоир асарларининг тилини бадий жиҳатдан бойитган, асар қимматини ошириб, халқчиллигини кучайтиришга таъсир этган, шунингдек, нақл-мақолларнинг келгуси авлодга етиб боришини таъминлади, яъни уларнинг умрини узайтиришга хизмат қилган.

Шоир шеъриятида унумли қўлланилган содда фольклоризмларнинг яна бир тури фольклор фразеологизмлари ҳисобланади. Ишнинг бу қисмида И.Юсупов асарларида фразеологизмларнинг ўзлаштирилишини тадқиқ қилишда Г.Алламбергенованинг «И.Юсупов асарларида фразеологизмларнинг услубий қўлланиши» номли PhD диссертациясининг баъзи хулосалари ва тадқиқот натижалари илмий тажриба сифатида ўрганилган. Ишда фразеологизмларнинг қорақалпоқ фольклори ва И.Юсупов иждодида қўлланилиш хусусиятлари тадқиқ қилинган. Масалан, шоир иждодидаги қуйидаги сатрларда фольклор фразеологизмларидан мохирона фойдаланилган ва бадий функция бажариб келган: «*Еки аяғына бир етик кийип, Жуўырды изиннен ышқында күйип»*, «*Сен дийқанның қулағынан шаң қақтың, Шопан менен Қызыл қумда қой бақтың»*, «*Абай, Тоқтағулды сүйемен өзим, Айтсам, келтиремен гүлин-гүлине»*.

И.Юсупов иждодида оғзаки сўзлашув услубига хос бўлган эркин сўз бирикмалари ҳам учрайди. Фольклоризмнинг бу типи Т.Б.Мануковская томонидан «халқ поэтик лексикаси» номи билан қўлланилган¹². И.Юсупов ҳам «*Қара табан, қара нуқара»*, «*Баласыаң қара табан дийқанның»*, «*Елеўретип ушар-ушар қусы бар»*, «*Жаз өтсе, гүз бар деп силтеме тағы»* каби лирик сатрларда халқ поэтик лексикасини ижобий қўллагани кўзга ташланади.

¹² Мануковская Т.В. Эволюция фольклорно-мифологических образов и мотивов в поэзии Николая Клюева: Автореф дисс... канд. филол. наук. –Воронеж, 2007.

Илмий ишларда жуда кам муҳокама қилинган фольклоризмнинг бир тури – фольклор оборотлари ҳисобланади. Фольклоризмларнинг бу тури айрим манбаларда халқ поэтикаси лексикаси таркибида ўрганилса, яна баъзи ишларда эса алоҳида тип сифатида таъкидланади, учинчи гуруҳ вакиллари эса ўз тадқиқотларида бу ҳақда ҳеч қандай фикр билдирмасдан, фақат нақл-мақоллар ва фразеологизмларни таҳлил қилиш билан чекланган.

И.Юсупов лирикасида «*ҳэссений*», «*антурған*», «*обалдагы-ай*», «*жүўермек*» каби фольклор оборотларининг қўлланилишини аниқладик. Масалан: «Көзинди аш, *жүўермек*, жуўыр изинен, Тусыңнан бир жәнән өтип баратыр». Келтирилган мисоллардаги сўзларнинг фольклор обороти деб келтирилишига сабаб шуки, бу сўзлар фольклор асарлари таркибида алоҳида эмоционал вазифани бажариб келиши билан бирга бугунги кунгача халқнинг кундалик сўзлашув тилида фаол қўлланилмоқда. Бу каби фольклор оборотлари шоир лирикаларида шодлик, афсус, қайғу, ғазабланиш каби туйғуларни ифодалашда кўп ишлатилган.

Биринчи бобнинг учинчи параграфи «**И.Юсупов лирикасида аналитик ва синтезлашган фольклоризмларнинг қўлланиши**» деб аталиб, бу параграфда шоир лирикаларида қўлланилган мураккаб фольклоризмлардан аналитик ва синтезлашган фольклоризмлар ўрганилган. Уларнинг бадий матндаги ўрни, эволюцияси, бажарадиган вазифаси, ўзига хос хусусиятлари очиб берилган.

Мураккаб фольклоризмларнинг шоир ижодида қўлланиш хусусиятига келсак, бу турдаги фольклоризмлар тузилиши, бадий асарда бажарадиган функцияси, мураккаблиги билан содда фольклоризмдан ажралиб туради. Мураккаб фольклоризмлар бадий табиати ва бажарадиган вазифасига кўра: А) аналитик фольклоризмлар; Б) синтезлашган фольклоризмлар; В) стилизациялашган фольклоризмлар бўлиб учга ажратилади. Шоир И.Юсупов шеъриятида мураккаб фольклоризмларнинг ушбу 3 тури ҳам кенг қўлланилган.

Диссертацияда аналитик фольклоризм сифатида шоир лирикаларидаги аналитик турда қўлланган ривоят-афсоналар, халқ кўшиқлари, дoston парчалари, олқиш-қарғиш сўзлар таҳлилга тортилган. Бунга И.Юсупов ижодидан кўп мисоллар келтирилиб, бадий вазифаси очиб берилган. Масалан: «Билмеген не билсин, билген – жоламас, Айтсам қудайымның бул бир ермегин. «*Жүўери ектим кендир менен аралас*», Кендир емес, дэрт екенин билмедим».

Шоир «Кендир менен хошласыў» деб номланган ушбу лирикасида қишлоқ одамларининг содда, оқ кўнгиллигини таърифлашда фольклордаги: «*Жүўери ектим кендир менен аралас, Бир яр таптым узын бойлы, қара қас*» - деган халқ кўшиғидан парча келтириб, аналитик фольклоризмни ҳосил қилган. Бу ўринда келтирилган аналитик фольклоризм лирика сюжетидаги бош ғоя ёки мавзуга рамзий боғлиқ тарзда қўлланилган.

Бундай фольклоризм бош ғояни бўрттириш ёки асосий мазмунни теранроқ очиб бериш учун қўлланилади. Халқ оғзаки ижодида қўлланиб келаётган тилак, фотиҳа, олқиш, қарғиш сўзлари ҳам шоир лирикасида кўп

ўринларда қўлланилган ва аналитик фольклоризмни ҳосил қилган. Олқиш ва қарғиш сўзлари алоҳида жанр хусусиятига эга фольклор тури ҳисобланади. Диссертацияда И.Юсупов лирикасида қўлланилган олқиш сўзлари тематик жиҳатдан уч гуруҳга бўлинган: 1) овул-эл, оила, Ватан ободлиги, тинчлиги учун айтилган тилак-олқишлар; 2) диний тушунчалар билан боғлиқ тилак-олқишлар; 3) ижтимоий турмуш билан боғлиқ тилак-олқишлар.

Бундан ташқари, баъзи ўринларда шоир бадиий ижод имкониятларидан фойдаланиб олқишни қарғишга хос услубий қолипда баён қилиб, лириканинг бадиийлиги ва таъсирчанлигини оширишга ҳаракат қилганлиги кузатилади. Масалан, муаллифнинг «Бизиң аўылдың қызына» лирикасини кузатайлик: «*Ишин кўйдир сен олардың, Наздан белиң сынып кетсин. Менменсиген қалалардың, Көрип көзи тынып кетсин*». Қарғиш сўзлар еса ёмонлик ва ёвузликларга ёки ёмон ниятли инсонларга қарата айтилган халқнинг лаънатидир. Халқимизда уруш билан боғлиқ айтилган «*Атың өшсин урыс!*», «*Әбиериң әбеший урыс!*», «*Өлсе қум қатсын!*» каби қарғиш сўзларни кўп учратамиз. Бундай мисоллар шоир лирикасида ҳам учрайди. Масалан: «Ким қолын жылытса урыс отын үрлеп, Қарғысқа ушырап гиряна болар». Бундан бошқа ўринларда эса қарғиш сўзларга бўлган халқнинг дунёқараши унчалик ижобий эмас. Шунинг учун бўлса керак, шоир ижодида қарғиш сўзлари олқиш сўзларга нисбатан камроқ учрайди. Қаранг, шоирнинг «Орфейге» деб номланган лирикасида: «*Шерт достым қыямет намаларыңнан, Айралықтың үйи күйгей, илайым! ...*» – деб халқ оғзаки ижодида яратилган «үйи күйсин!» қарғиш сўзини бадиий мақсадда қўллаган.

Шоир ижодида қарғиш сўзлар турли ўринларда қўлланилиб, фольклоризмларни юзага келтирган. Улар ижтимоий аҳамиятга эга бўлиб, жамиятдан, даврдан норозиликни баён қилиб ёки урушни лаънатлаб, шеърятда ҳаёт таассуротларининг реаллигини оширган.

Синтезлашган фольклоризм бадиий асарнинг асосий сюжети билан мустаҳкам бирикиб, ўзаро сингишиб кетган фольклор сюжети. Синтезлашган фольклоризмни бадиий асардан топиш мушкулроқ. Чунки синтезлашган фольклоризм номидан маълум бўлганидек, асарнинг асосий сюжетиға сингиб, синтезлашиб кетади. Аналитик фольклоризмни асар таркибидан олиб ташлаш мумкин. Синтезлашган фольклоризмни эса бундай қилишнинг имкони йўқ.

Синтезлашган фольклоризмлар шоир асарларининг мазмунини бойитишда, ўқувчини қизиқтиришда муҳим рол ўйнаган. Шоирнинг «Аяз қала», «Бердақтың дуўтары», «Өмирзая жулдызы» лирикаларида мана шу турдаги фольклоризмни учратиш мумкин. Масалан, «Бердақтың дуўтары» лирикаси Бердақ шоирнинг дуторини таърифлаш билан бошланади: «*Ҳаслың сениң ағаштандур, Сөйле дуўтар, сөйле дуўтар! Ҳаўазың толы эрмандур, Дәртин баян әйле дуўтар*». Лириканинг кейинги қисмида ўзаги оловда куйган қараман дарахти тагида жон берган халқ ботири Ерназар Алакўз ҳақида ривоятларда келтирилган сюжет лирик тилда баён қилинади. Ушбу сюжетнинг марказий ўзаги саналган қараман дарахтидан Бердақ шоирнинг

дугори ясалган экан. Мана шу тақлидда икки сюжет бир-бирига синтезлашган.

Ишнинг «**И.Юсупов лирикасининг фольклор билан услубий алоқаси**» деб номланган иккинчи боби учта параграфдан иборат. Унинг «**И.Юсупов лирикасида фольклор жанрларининг стилизацияси**» номли биринчи параграфда шоир лирикасида фольклорга хос жанрлардан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари ўрганилган. Фольклор жанрларини ўзлаштириб, ёзма адабиётга олиб кириш жанр стилизациясини юзага келтиради. Кўпинча халқ оғзаки ижодидаги ривоят, афсона, эртак, латифа, дoston жанрларининг мазмун ва ғоясига асосланиб, қайта ишлаб, янги шаклдаги асар яратилади. Тадқиқот натижаларига кўра жанр стилизацияси икки ҳолатда юз бериши аниқланган. Биринчи ҳолатда фольклор материалининг мазмуни сақланиб, шакли ўзгартириб ўзлаштирилади. Буни адабиётда трансформация жараёни деб ҳам аташади. Иккинчи ҳолатда асарнинг мазмунини эмас, балки шаклини, яъни жанр хусусиятларини ёки уларнинг баъзи элементларинигина намуна сифатида олади ва ёзма адабиёт меъёрларига мос тарзда шу жанрнинг ёзма адабиётдаги янги шакли яратилади. Ишда жанр стилизациясининг ҳар икки турига ҳам шоир ижодидан кўплаб мисоллар келтирилган.

И.Юсупов шеъриятида деярли барча фольклор жанрлари стилизацияга учраган. Масалан, халқ яратган ривоят, афсона, оғзаки гуррингларнинг стилизацияси «*Ана жүреги*», «*Мәңгилик*», «*Үш оқ*» лирикаларида, эртак жанрининг стилизацияси «*Күншығыс ертеги*», «*Еки теке*» лирикаларида, йўқлов жанрининг стилизацияси марсияларда, айтиш жанрининг стилизацияси «*Қырғыз ГАИ Еркинге чест береди*», «*Патша ҳам шайыр*» лирикаларида, латифа жанрининг стилизацияси «*Өмирбек лаққы*», «*Пайдакүнем Өмирбек*» лирикаларида кўзга ташланади.

Шоир ижодида жанрлар стилизацияси фольклор жанрларининг ёзма адабий тизим талабларига мос янги шаклда ривожланишига, қолаверса, ёзма адабиётни жанр жихатдан турлашга, муаллифнинг бадиий концепциясини, ғоясини ўқувчига давр талабига мос етказиш мақсадида хизмат қилган.

Иккинчи бобнинг иккинчи параграфи «**И.Юсупов лирикасида фольклор мотивларининг стилизацияланиши**» деб номланади. Бу параграфда шоир лирикаларида фольклордан турли мотивларни ўзлаштирганлиги ёритилган. Фольклор мотивларининг ёзма адабиётга ўзлаштирилиши мотив стилизациясини юзага келтиради. Шоир лирикаларида фольклорга хос мотивлар кўйидаги икки ҳолатда стилизациялашганлиги аниқланган: 1) эпик мотивлар стилизацияси; 2) этнографик мотивлар стилизацияси. Эпик мотивлар стилизацияси шоирнинг «*Суў пери*», «*Өмирзая жулдызы*» каби лирикаларида кузатилади.

Шоир ижодида халқ иримлари, дастур ва урф-одатларига оид материаллардан фойдаланиш халқнинг миллий колоритини ифодалаш учун хизмат қилган. Демак, номи келтирилган этнографик элементларнинг шоир шеърларида стилизация усулида қўлланиши фольклоризмни этномаданий ёки ижтимоий-этнографик ҳодиса даражасигача кенгайтиради. Шу боис

диссертацияда бу типдаги фольклоризмни «этнографик фольклоризм» деб номлаш тавсия этилган. Қорақалпоқ халқининг миллий колоритини беришда, ўзига хос бўлган миллий характерини ёритишда этнографияга оид мотивлар жуда муҳим. Масалан: «*Сўйиниши сорап аяқ жетер жерлерден, Шайырлар дўр шашып шийрин тиллерден...*». Мисолда келтирилган «*сўйиниши сораў*» мотиви – бу қорақалпоқ халқининг миллий урф-одати. Бу анъана барча туркий халқлар учун муштарак бўлиб, эртақларда, достонларда бадий мотивга айланиб қолган ва бугунги кунгача яшаб келмоқда.

Шоир ижодидаги яна бир халқ турмуш-тарзи билан боғлиқ мотивлар стилизацияси ирим-сиримларнинг қўлланишида кузатилади. Иримлар – халқнинг диний ва бошқа эътиқодлари негизида пайдо бўлган. Халқ орасида иримларнинг тарбиявий аҳамияти ҳам катта бўлган. «*Жақсы ырымларды ислең елдеги, Киндигин ил керегеге төрдеги*» – деган мисралар шоирнинг қорақалпоқ иримларига жуда эътиборли муносабатда бўлганлигидан далолат беради. Ишда яна шоирнинг «*Бир кәса шай қолға алып*», «*Ырым*» каби лирикаларидаги этнографик фольклоризмларнинг аҳамияти, бадий функцияси ўрганилган.

Иккинчи бобнинг учинчи параграфи «**И.Юсупов лирикасида фольклор образларининг стилизацияси**» деб номланиб, унда фольклор образларининг шоир томонидан ўзлаштирилишининг ўзига хос хусусиятлари тадқиқ қилинган. Шоир лирикасидаги стилизациялашган образларни уч гуруҳга ажратиш мумкин. Булар: 1) эпик образлар стилизацияси, 2) рамзий образлар стилизацияси, 3) мифологик образлар стилизацияси. Эпик стилизацияга достон, эртақ, афсона, ривоятга ўхшаган фольклор жанрларидан ўзлаштирилган образларни киритиш мумкин. Масалан, И.Юсупов лирикасида Тумарис, Айдос бий, Ерназар Алакөз, Қумар аналық, Искендер Зулқарнайн каби тарихий шахсларнинг ривой образлари стилизация усулида янги образлар сифатида гавдаланади. Шоир достонлардан Лэйли-Мәжнүн, Ғәрип-Шахсәнем, Алпамыс, Қоблан сингари образларни, ҳажвий сўзлардан Насриддин Афанди, Өмирбек Лаққы образларини стилизация қилиб, оригинал образлар яратган.

Шоир лирикасида рамзий образлардан бойўғли, ҳакка, пошша тўрғай, булбул образлари стилизацияга учраган. Мифологик образлардан эса Афродита, Венера, Нарцисс, Посейдон, Анахита, Прометей, Орфей, Евридика, Пегас кабиларни стилизация сифатида фойдаланган. Мифологик образлар стилизацияси шоир ижодида муҳим вазифа бажаради, ўқувчини шу образнинг фольклордаги асосий манбаи билан танишишга жалб этади. Шоирнинг услубий хусусияти шундаки, у ҳеч бир образни фольклордаги ҳолича, оддий, примитив тарзда фойдаланиб қолмасдан, уларга ижодий ёндашган. Шоир лирикасида диний-мифологик образларнинг стилизацияси кўп учрайди. Масалан, Қызыр ата, периште, шайтан, Өзирейли каби образларнинг лирикасида шоир бадий концепциясини ёритишда муайян вазифани бажарган. Булар «*Шайтанның шағымы*» ва бошқа лирикалари мисолида таҳлил қилинган.

